

## ТРАНСПОРТДАН ЙЎЛ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЖАРОҲАТЛАНИШ ВА ҮЛИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Жуманиёзов К.Й., Олимова М.М, Самандарова Б.С, Бахтиерова А.М.**

*Toшкент тиббиёт академияси Урганч филиали*

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти ўсиб бориши билан автомобиль транспорти ва коммуникациялари ҳам ривожланиб бормоқда. Бундай ўзгаришлар аҳолининг ижтимоий ривожланиши даражаси билан боғлиқдир. Тармоқнинг ривожланиши ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида маълум муаммоларни келтириб чиқармоқда: йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлиб туриши, унинг оқибатида инсонларнинг ҳаётдан кўз юмуши ёки турли даражада тан жароҳатларини олиши, автомобиль йўлларида ва шаҳар қўчаларида тирбандликларнинг юзага келиши, атроф мухитнинг ифлосланишидир. Муаммонинг энг аянчлиси инсонларнинг жисмоний талофат олишларидир. Бу эса жамиятимизнинг ижтимоий муаммосидир [1].

Сўнгги ўн йилларда йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари халқаро ҳамжамиятни ташвишга солмоқда. Бу кўп жиҳатдан йўлларда ўлим даражасининг юқорилиги билан боғлиқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2017 йилдаги "Хаётни сақлаб қолиш: йўл ҳаракати хавфсизлиги технологиялари тўплами" ҳисоботида келтирилган маълумотлар ташвишга тушди: "хозирда ҳар йили йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 1,25 миллионга яқин одам ҳалок бўлади ва миллионлаб одамлар жароҳатланади" [2,7].

Йўл транспортидан жароҳатланиш нафақат айрим мамлакат, балки дунёning кўплаб мамлакатлари учун ҳам ечимини кутаётган энг мухим тиббий-ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Ҳар йили сайёрамизда йўл транспорт ҳодисалари натижасида 1,2 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлади ва 20 миллиондан 50 миллионгача одам турли хил жароҳатлар олади. Уларнинг аксариятини 15 ёшдан 30 ёшгacha бўлган ёшлар ташкил етади [3].

Хозирги кунда бутун жаҳон автопаркларида миллиарддан ортиқ автомобиллар мавжуд [1]. Ер куррасида XX аср давомида аҳоли сони 4 баробарга ошган бўлса, автомобиллар сони 10 минг маротаба ошган, бу ҳолат

XXI асрда ҳам давом этмоқда. Автомобиллар замонавий иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланилмоқда, аммо унинг каттагина қисми хусусий тармоқда ҳам фаолият юритади. Австралия, Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Буюк Британия, АҚШ и ЖАР каби иқтисодиёти ривожланган йирик 20 лик давлатларга кирувчи мамлакатларда, рўйхатга олинган автомобилларнинг умумий сонига нисбатан янги автомашиналарни рўйхатга олишнинг ўртача суръатида ўсиш тенденциясини кўриш мумкин [4, 5].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) статистик маълумотларига кўра, транспорт ҳодисаларидан ўлим сабаблари, эрта ўлимнинг энг кўп учрайдиган ўнталиги қаторига киради. 2015 йилнинг статистик маълумотларга кўра бутун дунё бўйича транспорт ҳодисалари туфайли 1,3 миллиондан ортиқ киши эрта ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган [6,7].

А.В.Сахаровнинг (2011) илмий хуносасига кўра, Россияда ҳар 100 000 аҳолига 131 та автоҳалокат тўғри келади. Автоҳалокатлар орасида энг кўп учрайдигани бу автомашиналарнинг тўқнашишлари (43,3%) ва 28%и пиёдаларни уриб кетишлар бўлиб, асосан автоҳалокатлар йўл транспорт қоидаларига риоя қиласлик (86,5%) натижасида содир бўлади. Ўлим даражаси ҳар 100 000 аҳолига 26га teng бўлиб, уларнинг 76,3%ини 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган эркаклар ташкил этган. Ногиронлик ҳар 100 000 аҳолига 2008 йилда 4,5 га teng бўлиб, катталарда бир мунча камайиши кузатилса, болалар орасида деярли икки баробарга ошган ва ҳар 100 000 болага 2,1ни ташкил қиласлик. Ногиронликларнинг кўпчилигини асосан иккинчи ва учинчи гурух ногиронлар ташкил қиласлик. Жароҳатланганларнинг асосий кўпчилиги травматология бўлимига (56,2%), неврология бўлимига (32,8%) ётқизилган. Беморларнинг 55,4%ини эркаклар ва уларнинг 56,5%ини 20-40 ёшдагилар ташкил этган [8,10,18,19]. Россияда автоҳалокатлар сабабли ҳар куни 60-80 одам ҳаётдан кўз юмади[4].

Ўзбекистонда 2011 йилда 10611 та автоҳалокат ҳолати қайд этилган ва 2161 та ўлим ва 112228 та жароҳатланишлар рўйхатга олинган. Эътиборлиси шундаки, Ўзбекистонда йўлларда 3 896 000та қонун бузарликлар ва шундан 1588000 таси ўта қўпол тарзда қонунбузарликлар содир этилгани рўйхатга олинган [11,16,17]. Йўл транспорт ҳодисаларининг содир бўлишида энг ҳавфли кунлар ҳафтанинг бешинчи ва олтинчи кунлари эканлиги, шунингдек

якшанба ва душанба кунларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши қайд этилади. Маллифнинг таъкидлашича, 2016 йилнинг 10 ойида 58885та автотранспортлар тўқнашиши рўйхатга олинган ва 6932 одам вафот этган, 90314 киши жароҳатланган. Кейинги ўринда пиёдаларнинг устига хайдаш бўлиб, ўтган даврда жами 41370та ҳолат содир бўлган, 4667 та одам вафотэтган ва 38981 киши жароҳат олган [3,10,13,14,15]. Йилига Россия йўлларида 30 000 дан ортиқ киши оламдан ўтади, 200 000 та киши жароҳат оладилар. Статистик маълумотларга қараганда ҳар ўнта ҳолатдан биттаси болаларга тўғри келади ва 1,5 мингдан ортиқ бола вафот этади, шунингдек 20 000 та вояга етмаган болалар жароҳат оладилар ва кўпчилиги бир умрга ногирон бўлиб қоладилар [4,8,9,11,12].

**Тадқиқотнинг мақсади** Хоразм вилоятида 2016-2020 йиллар давомида йўл транспорт ҳодисалари (ЙТҲ) ва улар сабабли жароҳатланиш ҳамда ўлимнинг такиби ва унинг динамикасини ўрганиш ва баҳолашдан иборат.

**Материаллар ва усуллар.** Хоразм вилояти йўл патрул хизматининг 2016-2020 йиллар бўйича автоҳалокатлар тўғрисидаги ҳисобатларида қайд этилган жами 1279 та автоҳалокат ҳолати ўрганилди. Вилоятнинг автомобил йўлларида 2016 йилда -270 та, 2017 йилда -263 та, 2018 йилда -259 та, 2019 йилда -245 та, 2020 йилда 242 та автоҳалокатлар қайд этилган. Олинган маълумотларни статистик тахлил қилишда ижтимоий-гигиеник ва санитария статистик усуллардан кенг фойдаланилди.

**Натижা ва мұҳокама.** Мамлакатимизда 2019 йилда 4116 та, 2020 йилда 3596 та Йўл транспорт ҳодисаси қайд этилган ва динамикада унинг 12,% га камайиши кузатисада, 2019 йилда -1196 та ва 2020 йилда -991та ўлим ҳолатлари кузатилган. 2019 йилда 2929 одам ва 2020 йилда -2605 одам тан жароҳати олганлар. Қайд этилган ҳодисаларнинг 22,9%и -халқора йўлларда, 48,9%и -давлат аҳамиятидаги йўлларда ва 28,2%и маҳаллий йўлларда содир бўлганлигининг ўзи ҳам муаммо мамлакатда жиддий тиббий-ижтимоий, ташкилий ва иқтисодий масалалардан бири эканлигини англатади [5]. Хоразм вилоятида ўрганилган беш йил давомида жами қайд этилган 1279 та автоҳалокатнинг 4,15%и -халқора, 55,75%и -давлат, 24,1%и -маҳаллий, 2,2%и -ички йўлларда, 13,8%и -шахар йўлларида содир бўлганлиги аниқланди. Ушбу автоҳалокатлар натижасида жами 1444 киши азият чеккан ва уларнинг 69,8%и ҳар хил даражадаги жароҳатлар олган ва 30,1%и вафот этган.



Жадвал 1.

2016-2020 йилларда Хоразм вилоятида қайд қилинган автоҳалокатларнинг  
йўл турлари бўйича тақсимланиши (%) ( $P\pm m$ )

<b>Йўл турлари</b>	<b>ЙТҲ ларининг йўл турлари бўйича тақсимланиши</b>	<b>Вафот этганлар сонининг йўл турлари бўйича тақсимланиши</b>	<b>Жароҳатланганлар сонининг йўл турлари бўйича тақсимланиши</b>
Халқаро	4,1% $\pm 0,55$	9,4 $\pm 1,39$	4,06 $\pm 0,62$
Давлат	55,7 $\pm 1,38$	64,1 $\pm 3,03$	53,8 $\pm 1,56$
Маҳаллий	24,1 $\pm 1,2$	15,6 $\pm 1,73$	25,5 $\pm 1,37$
Ички йўллар	2,2 $\pm 0,04$	2,1 $\pm 0,68$	2,3 $\pm 0,47$
Шаҳар кўчалари	13,8 $\pm 0,96$	8,7 $\pm 1,34$	14,2 $\pm 1,09$
Жами	1279	436	1009

Кўриниб турибдики, ЙТҲ ларидан жароҳатланиш ва ўлим даражаси нисбатан давлат аҳамиятига эга бўлган йўлларда юқорилиги ( $53,8\pm 1,56$ ) ва жароҳатланганлар халқоро аҳамиятга эга бўлган йўллардаги даражадан 13 маротабага, маҳаллий йўллардаги даражадан 2 маротабага, шаҳар йўлларига нисбатан 3,8 маротабага ва ички йўлларга нисбатан эса 23,4 маротабага юқорилиги, ЙТҲ ларининг содир бўлишида йўллар ва уларнинг турларининг ҳам аҳамият катта эканлигини алоҳида эътироф қилиш мумкин. Йўллардаги серқатновлилж, машиналарнинг тезлик даражаси, йўлларнинг ҳолати, машиналарнинг сони, кейинги йилларда юзага келаётган тирбандликлар каби омилларнинг таъсир даражаси, яъни нисбий ризк кўрсаткичи 23, 4 % га тенглиги, ЙТҲ ларининг содир бўлишида қайд этилган омилларнинг аҳамиятининг катталигидан далолат беради. (Жадвал 1) Агар юқоридаги йўл турлари бўйича ЙТҲлари сабабли юзага келаётган ўлим ҳолатини қўрадиган бўлсак, давлат аҳамиятига эга бўлган йўллардаги даражা анъанавий равшда юқори ( $64,1\pm 3,03$ ) ва мос равшда 6,8, 4,1, 7,4 ва 30,5 маротабани ташкил



этиши аниқланди. Бу дегани вилоятда ЙТҲ лари сабабли кунига 2,8 одам жароҳат олса, 1,2 одам бевақт оламдан ўтади.

Вилоят йўлларида кунига 3,5 та ЙТҲ си содир бўлади ва унинг асосий сабаблари тахлил қилингандан, унинг энг юқори даражаси кузатилган давлат аҳамиятига эга бўлган йўллар, ҳамма вақт ҳам йўлларга қўйиладиган талабларга жавоб бера олмаслиги, қолаверса машиналар сонининг кўплиги ва тезликнинг нисбатан юқорилиги билан тушунтирилса, ҳалқоро аҳамиятга эга йўлларда унинг камлигини, йўлларнинг нисбатан стандарт талабларига жавоб бериши, аҳоли яшайдиган жойларда унинг тунда ёритилиши билан аниқлик кириш мумкин. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўлларда ЙТҲ ларининг тарқалишининг иккинчи ўринни эгаллаши, мазкур йўлларда машиналарнинг кўплиги, назоратнинг камлиги, нисбатан тезликнинг юқорилиги ва йўлларнинг талаб даражасида эмаслиги билан, шаҳар кўчаларида эса машиналарнинг кейинги йилларда ҳаддан ташқари кўпайиб бориши, йўлларнинг талаб даражасида эмаслиги, кўчаларда одамларнинг гавжумлиги, ҳайдовчиларнинг нисбатан тартибсиз машина бошқаришлари, светафорларнинг доимий равшда мутадил ишламаслиги, тирбандликлар билан тушунтирилса, ва ниҳоят ички йўлларда ЙТҲ ларининг нисбатан камлигини, машиналар сонининг камлиги, йўлларда машиналарни тез ҳайдашнинг имкони йўқлиги, асвалт йўлларнинг йўқлиги ва мавжудларининг ҳам абгор ҳолатга келганлиги, кўчаларда одамларнинг нисбатан камлиги каби сабаблар билан тушунтириш мумкин.

Хоразм вилоятида 2019-2020 йилларда ЙТҲ лари, жароҳатланиш ва ўлим нинг динамикасини тахлил қилишда ҳам қатор ўзига хос-хусусиятлар кузатилди.

#### Жадвал 2

2016-2020 йилларда Хоразм вилоятида қайд қилинган автоҳалокатларнинг йўл турлари бўйича тақсимланиши ва динамикаси (%) ( $P \pm m$ )

Йўл турлари	2016	2017	2018	2019	2020	Жами
Халқоро	$3,7 \pm 1,14$	$4,2 \pm 1,23$	$5,4 \pm 1,40$	$4,08 \pm 1,26$	$3,3 \pm 1,14$	$4,1\% \pm 0,5$ 5

Давлат	68,0±2,8 3	51,1±3,0 8	57,3±3,0 7	55,5±3,17	57,0±3,1 6	55,7±1,38
Маҳаллий	14,8±2,1 6	29,7±2,8 2	19,7±2,4 7	22,4±2,66	34,7±3,0 4	24,1±1,2
Ички йўллар	4,0±1,19	4,6±1,29	3,58±1,1 5	1,22±0,70	0,82±0,5 7	2,2±0,04
Шаҳар йўллари	19,5±2,4 1	10,3±1,8 7	17,4±2,3 6	16,73±2,3 8	4,13±1,3 0	13,8±0,96
Жами	270	262	258	245	244	1279

Жадвалда келтирилган маълумотлардан қўриниб турибдики, ЎТҲлари ўрганилган йиллар давомида Халқоро йўлларда, ички йўлларда ва шаҳар йўлларида бир мунча камайиш хусусияти кузатилса, маҳаллий йилларда унинг 2,3 баробарга ошиши кузатилди. Давлат аҳамиятига эга бўлган йўлларда унинг 19,2%га, халқоро йўлларда 10,8 %га, ички йўлларда 79,5%га ва шаҳар йўлларида 21,1%га камайганлигини кўриш мумкин. (Жадвал 2)

(Жадвал 3)

2016-2020 йилларда Хоразм вилоятида қайд қилинган автоҳалокатлардан жароҳатланишининг йўл турлари бўйича тақсимланиши ва динамикаси (%)  
(P±m)

Йўл турлари	2016	2017	2018	2019	2020	Жами
Халқоро	3,7±1,29	5,2±1,53	4,6±1,49	3,52±1,31	3,1±1,25	4,06±0,62
Давлат	55,8±3,39	49,3±3,44	54,8±3,54	53,5±3,56	55,7±3,58	53,8±1,56
Маҳаллий	16,7±2,54	28,7±3,12	21,3±2,91	22,0±2,95	35,9±3,46	25,5±1,37
Ички йўллар	6,1±1,63	3,34±1,23	2,91±1,19	1,53±0,87	1,0±0,71	2,3±0,47
Шаҳар кўчалари	18,6±2,65	10,5±2,11	19,3±2,81	18,3±2,76	4,2±1,44	14,2±1,09
Жами	214	210	197	196	192	1009

Ўрганилган худудда ўтган беш йил давомида қайд этилган автоҳалокатларнинг даражасига мос равшда тан жароҳати олганларнинг даражасининг энг юқори даражаси давлат аҳамиятига эга бўлган авто-йўлларда сақланиб қолиб, унинг даражаси диарли бир хил ҳолатда сақланиб қолган (ўртacha 53,82%). Аммо маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўлларда унинг даражаси 2016 йилга нисбатан 2020 йилда 2,1 маротабага ошганлиги аниқланди. Халқора йўлларда жароҳатланиш даражаси диарли ўзгармасдан бир хил даражада сақланиб қолган. Эътиборли жиҳати шундаки, ички йўлларда машиналарнинг камлиги, йўллар ҳолатининг талаб даражасида бўлмаганлиги биос катта тезликда машина ҳайдаб бўлмаслиги, нисбатан кўчаларда одамларнинг камлиги ва шаҳар йўлларида кейинги пайтларда транспортлар ҳаракатини бошқариш ишларида киритилаётган янгиликлар, шаҳар йилларининг нисбатан яхшилиги ва бошқа қатор омиллар таъсирида жароҳат олишлар 2020 йилда 2016 йилга нисбатан ички йўлларда -6,1 маротабага ва шаҳар йўлларида -4,4 маротабага камайиши кузатилган. Демак, аҳоли орасида ЙТҲларидан жароҳатланиш ва ўлим даражасига йўлларнинг турлари асосий омил сифатида таъсир кўрсатиши энг долзарб масалалардан бири эканлигини алоҳида қайд қилиш мумкин. (Жадвал 3)

Автоҳалокатлар сабабли юзага келаётган яна бир ачинарли ҳолатлардан бири бу ўлим саналади. Вилоят йўлларида автоҳалокатлар сабабли ўрганилган ўтган беш йил давомида жами 435 киши вафод этган. Гарчи вилоятда ушбу сабабли ўлганлар 2016 йилга нисбатан 2020 йилда 1,2 баробарга камайган бўлсада, бу ҳолат юқорилигича сақланиб қолмоқда. Жароҳат олганлардан фарқли ўлароқ автоҳалокатлардан ўлим 2020 йилда 2016 йилга нисбатан халқоро, маҳаллий ва ички йўлларда ўсиш хусусиятига эга эканлиги аниқланиб, унинг даражаси халқоро йўлларда -1,6, маҳаллий йўлларда -1,9 ва 1,2 маротабага ошган. (Жадвал 4)

(Жадвал 4)

2016-2020 йилларда Хоразм вилоятида қайд қилинган автоҳалокатлардан ўлимнинг йўл турлари бўйича тақсимланиши ва динамикаси (%) ( $P \pm m$ )

Йўл турлари	2016	2017	2018	2019	2020	Жами



Халқоро	4,1±2,0	11,7±3,31	15,0±3,8 2	10,1±3,3 7	6,4±2,75	9,4±1,39
Давлат	68,04±4,7 3	58,5±5,0	65,3±5,0	68,3±5,2 0	61,5±5,1 0	64,1±3,0 3
Маҳалли й	12,3±3,34	17,02±3,8 7	12,6±3,5 5	13,9±3,8 9	23,0±4,7 3	15,6±1,7 3
Ички йўллар	2,06±1,44	5,3±2,31	6,50±2,6 4	3,60±2,0 9	2,56±1,7 7	2,1±0,68
Шаҳар кўчалари	13,4±3,45	7,44±2,70	8,0±2,90	7,6±2,98	6,41±2,7 5	8,7±1,34
Жами	97	94	87	79	79	436

Эътиборли жиҳати шундаки, автоҳалокатлардан ўлим ўрганилган барча йилларда давлат аҳамиятига эга бўлган йўлларда, бошқа турдаги йўллардан бир-неча марта юқорилиги кайд этилди. Ўлим бўйича иккинчи ўринни маҳаллий аҳамиятга молик йўллар ва учунчи ўринни эса шахар қўчаларда содир бўлган ўлимлар эгаллади. Тахлил жараёнида яна бир эътиборимизни ўзига тортган холат шу бўлдики, жами беш йил давомида қайд этилган ЙТҲ ларининг 240 таси ҳайдовчиларнинг малакасизлиги ва ички ишлар ходимларининг ўзларининг иштироқида содир бўлганлиги аниқланди. Ушбу ЙТҲ ларининг 62,0%и -ҳайдовчилик гувоҳномасиз техника воситасини бошқариш жараёнида содир этилиб, ҳодиса жараёнида 59,5% иштироқчилар ҳар хил кўринишдаги жароҳатларни олсалар, 27,0%и вафот этган. Автоҳалокатларнинг 30,0%-1 йилгача ҳайдовчилик малакасига (тажига) эга бўлган ҳайдовчилар томонидан содир этилган, жараён натижасида 32,5% киши жароҳат олган ва 30,1 % одам вафот этган ва ниҳоят автоҳалокатларнинг 7,9% айнан ички ишлар ходимларининг ўзларининг иштироқида содир этилган ва натижада 8% одам жароҳат олиган ва 33,3 % одам вафот этганлиги, автоҳалокатларнинг юзага келиш сабабларида айнан ҳайдовчиларнинг омиллари ҳам муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Ушбу жараёнда эътиборли томони шу бўлдики, ўрганилган беш йил давомида юқоридаги сабабларга кўра ЙТҲларининг сони 10%га камайган бўлсада, жароҳатларнишлар сони 26,7%га ошган ва ўлим даражаси 1,6 баробарга

камайган. Айниқса жароҳатланишлар сони ҳайдовчилик гувҳномасиз ва бир йилгача ҳайдовчилик стажлари борлар ўртасида юқорилигича сақланиб қолаётганлиги маълум бўлди.

**Хуносалар:**

1. Дунёнинг кўплам давлатларида, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам, айниқса даромади ўрта ва паст давлатларда ЙТҲларининг даражаси юқорилигича сақланиб қолмоқда. Айниқса болалар орасида унинг нисбатан ошиб бориши ҳар қайси давлатда соғлини сақлаш тизимининг олдида жуда улкан тиббий-ижтимоий, ташкилий ва иқтисодий мауммolarни юзага келтироқда;
2. ЙТҲларининг содир бўлишида йўллар ва уларнинг турларининг ҳам аҳамият катта эканлигини алоҳида эътироф қилиш мумкин. Йўллардаги серқатновлик, машиналарнинг тезлик даражаси юқорилиги, йўлларнинг яроқлилик даражаси, машиналар сонининг йил сайин ортиб бориши ва тирбандликлар каби омилларнинг таъсир даражаси, яъни нисбий риск кўрсаткичи -23, 4 % га тенглиги, ушбу омилларнинг ЙТҲларининг содир бўлишидаги аҳамиятининг катталигидан далолат беради;
3. Хоразм вилоятида ўрганилган беш йил давомидаги ЙТҲлари айниқса маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўлларда қўпайиши кузатилди. (2,3 баробар) Энг юқори даражадаги ЙТҲлари давлат аҳамиятга эга бўлган йўлларда кузатилди (55,7%). Иккинчи ўринни маҳаллий (24,1%) ва учунчи ўринни шаҳар кўчаларида(13,8%) автоҳалокатлар эгаллади. Унинг энг паст даражаси халқоро ва ички йўлларда кузатилди ва мос равшда 4,1% ва 2,2%ларга тенг бўлди;
4. Вилоятда қайд этилган ЙТҲи натижасида содир бўлган жароҳатланишлар ва ўлим даражалари ҳам ЙТҲга мос равища асосан давлат, маҳаллий ва шаҳар йўлларлида нисбатан юқорилиги сақланиб қолди. Айниқса жароҳат олишлар маҳаллий аҳамиятига эга бўлган йўлларда ошиши кузатилса, давлат йўлларида бу кўрсаткичлар диарли ўзгаришсиз қолганини кўриш мумкин;
- 5.Хоразм вилоятида 20%га яқин автоҳалокатлар йўлларда айнан ҳайдовчиларнинг малакасизлиги, аниқроғи 62,0%и -ҳайдовчилик гувоҳномасиз техника воситасини бошқариши, 30,%и -1 йил ҳайдовчилик стажига эга бўлмаган ҳайдовчилар томонидан ва 7,9% айнан ички ишлар ходимларининг ўзлари томонидан содир этилиб, автоҳалокатларнинг юзага

келиш сабабларида айнан ҳайдовчилар омилларининг ҳам муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 июль 2017 йил 3127-сонли “Йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори .
2. Усманова М.Н. Йирик шаҳарларда йўл ҳаракатини ташкил этиш йўналишлари. Biznes-Эксперт. №8,2019 йил. 42-44 бет.
3. Нуралиев Б., Юнусов М.Ю., Зиёев Б.А., Хусейнов Х.Б., Бодурбеков Ф. Состояние детского дорожнотранспортного травматизма в Таджикистане // Транспортные и транспортно-технологические системы: материалы Междунар. науч.-техн. конф. (Тюмень, 16 апреля 2015 г.) Тюмень: Изд-во Тюменского индустриального университета, 2015. С. 245– 248.
4. OECD data: charts, maps, tables and related publications ... [Электронный ресурс]// Organisation for Economic Co-operation and Development [сайт]. Режим доступа: [https://data.oecd.org/transport/ road-accidents.htm](https://data.oecd.org/transport/road-accidents.htm) (дата обращения 30.09.2017).
5. Численность населения стран мира с 1980 по 2017 год [Электронный ресурс] // Справочные таблицы infotables.ru [сайт]. Режим доступа: [http://infotables.ru/strany-i-goroda/17-tablitsa-chislenostnaseleniya-stran-mira](http://infotables.ru/strany-i-goroda/17-tablitsa-chislennostnaseleniya-stran-mira) (дата обращения 30.09.2017).
6. Methods and data sources for country-level causes of death 2000–2015. Global Health Estimates Technical Paper Department of Information, Evidence and Research, World Health Organization. Geneva, 2017. P. 85.
7. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyorova A.M., Ismoilova B.P.//European Chemical Bulletin 2023, 12( Issue 8), 2055-2062.
8. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyorova A.M., Kurbanova N.N. Peculiarities of distribution of traffic accidents in Khorezm region by population and age// International Scientific-Practical Conference.Chexiya. P.13-15.
9. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyorova A.M., Kurbanova N.N. deaths and injuries as a result of road accidents and the role of cardiovascular diseases in them//International Scientific and Practical Conference.Polcha. P.34-37.
- 10.Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyorova A.M., Kurbanova N.N. Peculiarities of Distribution of Traffic Accidents in Khorezm Region by Population and Age



American Journal of Medicine and Medical Sciences 2023, 13(7): 1020-1025  
DOI: 10.5923/j.ajmms.20231307.37 .

11. Khurbanova, N., Omonova, G., Alimova, M., & Komiljanova, S. (2017). The state of antioxidant system of mitochondrial fraction of the hepatocyte in early terms of ischemic stroke in white rats. *Интернаука*, (12-2), 51-53.
12. Kurbanova N. N. others. Effect of new herbal preparations on some indicators of apoptosis in rats with acute toxic hepatitis //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. 08. – С. 6999-7005.
13. Kurbanova N.N. et al. The effect of new plant hepatoprotectors on the level of proinflammatory cytokines in acute toxic liver damage. //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – Vol. 24, Issue 08, 2020. – Page. 8910-8920.
14. Navruzovna K. N. et al. Biochemical changes in hepatocyte subcellular fractions in experimental ischemic stroke //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 7-2 (61). – С. 57-59. ООО «Олимп».
15. Navruzovna K. N. et al. Generation of reactive oxygen species in the mitochondrial fraction of hepatocytes in the early stages of experimental ischemic stroke //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 7-2 (61). – С. 60-62. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/generation-of-reactive-oxygen-species-in-the-mitochondrial-fraction-of-hepatocytes>.
16. Каримова, МА; Курбанова, НН; Нарушение нормальной микрофлоры толстой кишки влияния генно-модифицированной сои в эксперименте, "Журнал"" Медицина и инновации", 3, 162-166, 2022.
17. Курбанова Н. Н. и др. Ряд особенностей распространения заболеваний органов пищеварительной системы среди студентов Ургенчского филиала ташкентской медицинской академии //Инновационное развитие современной науки: проблемы, закономерности, перспективы. – 2019. – С. 147-149.
18. Курбанова Н. ПЕРВИЧНЫЕ И ВТОРИЧНЫЕ ЭЛЕМЕНТЫ ПОРАЖЕНИЯ СЛИЗИСТОЙ ОБОЛОЧКИ РТА //International Bulletin of Medical Sciences and Clinical Research. – 2023. – Т. 3. – №. 5. – С. 142-146.
19. Самандарова Б. С. и др. ПРИЧИНЫ РАЗВИТИЯ СИНДРОМА ПОЛИКИСТОЗНЫХ ЯИЧНИКОВ И РАК МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ У ЖЕНЩИН //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2017. – №. 5-3. – С. 130-136.